

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 4 сентябрь, № 183 (7413) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

**Дил сўзи**

## ИШОНЧ ОРТИДА КАТТА МАСЪУЛИЯТ БОР

*Жудаям бахтиёрман. Жонажон Ўзбекистонимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — Мустақиллик айёми арафасида Президентимиз Фармонига асосан, “Дўстлик” ордени билан тақдирландим.*

Давлат мукофотига сазовор, деб топилганим менга, жамоамга ва оиламга қувонч олиб келди. Бу ишонч ортида катта масъулият ҳам ётади.

Яъни ҳуқуқий хизматни давлат томонидан тартибга солиш йўналиши дейсизми, умуман, адлия тизимидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда янада ташаббус кўрсатиб ишлашимиз керак. Шундай экан, келгусида давлатимиз равнақи йўлида бундан-да кўпроқ меҳнат қилишга тайёрман.

**Нодира РАШИДОВА, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий хизматни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси бош консультанти, «Дўстлик» ордени соҳибаси.**

*Болалигимдан спортнинг қиличбозлик турига қизиқиб, бир вақтлар ўсмирлар ўртасида кумуш медални ҳам қўлга киритганман. Спорт ҳаётимнинг мазмунига айланган эди.*

Мамлакатимиз спорти равнақига ҳисса қўшиш, халқаро ареналарда давлатимиз байроғини баланд кўтариш ниятида астойдил шуғулландим. Шу мақсадда жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган олий ўқув юртига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатдим.

Бироқ тақдиримга синовли кунлар ҳам битилган экан. 1995 йилда, 24 ёшимда бахтсиз ҳодиса туфайли умуртқа поғонам шикастланиб, бир умр ногиронлик аравачасига михланиб қолдим. Мустақил ҳаёт остонасида бу мен учун қаттиқ зарба бўлди. Лекин ирода ва матонат билан олға интилишим зарур эди. Шу мақсадда Учқудуқ кончилик саноати касб-ҳунар коллежини тугаллаб, НКМК Шимолий кон бошқармасининг Ахборот-коммуникация технологиялари марказида дастурчи сифатида иш бошладим.

Ўтган 18 йиллик меҳнат фаолиятимда кончилик ишлари, бухгалтерия ҳисоботи, энергия таъминоти, муҳандислик-коммуникация тизими барқарорлиги бўйича яратган 30 га яқин дастурларим бугун нафақат бошқарма, балки бутун комбинатимиз тузилмаларида кенг қўлланилмоқда. Уларнинг самараси билан мамлакатимиз иқтисодиёти, кончилик саноати ривожига ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан “Жасорат” медалига муносиб кўрилганим мен учун кутилмаган туҳфа бўлди. Бу юксак эътибор мени янги-янги довонлар сари руҳлантиради. Келажакда ўз устимда ишлаш, билим ва тажрибамни ёшлар билан баҳам кўришдек масъулиятли вазифаларга ундайди.

Мамлакатимизда инсон қадри олий қадрият даражасига кўтарилгани, сидқидилдан қилинган меҳнат эътиборда эканлигини ҳаммамиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз. Шундай юртда яшаётганимиздан фахрланамиз.

**Александр ХАЛТУРИНСКИЙ, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси Шимолий кон бошқармасининг Ахборот-коммуникация технологиялари маркази дастурчиси, «Жасорат» медали соҳиби, I гуруҳ ногирони.**

*Барча соҳада бўлгани каби божхона тизимида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Божхона тартиб-таомиллари соддалашди, самарали божхона назорати йўлга қўйилди. Қолаверса, Давлат бюджетига тушумларни таъминлаш, ишбилармонларга имтиёзлар бериш борасида катта ютуқларга эришилмоқда.*

Масалан, биргина, жорий йилнинг биринчи ярмида давлат божхона хизмати органлари томонидан Давлат бюджетига ундирилган божхона тўловлари салкам 7,2 трлн. сўмни ташкил қилди. Тадбиркорларга божхона тўловларидан 27,4 трлн. сўмлик имтиёзлар қўлланилди.

Шу соҳада олиб бораётган камтарона меҳнатим юксак баҳоланганидан, эътироф этилганидан жудаям хурсандман. Бу мукофот нафақат менга, балки бутун божхона тизими жамоасига берилган мукофот, деб биламан. Ишонтириб айтаманки, юклатилган вазифаларни бажаришга сидқидилдан ёндашиб, бор билим ва кучимни сафарбар этаман.

**Фаррух ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона тўловлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

## ЎЗБЕК ИПАГИГА ХАРИДОР ДАВЛАТЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**ДИҚҚАТГА МОЛИК ДАЛИЛ: жорий йилда «Бухоро бриллиант силк» масъулияти чекланган жамияти илк бор Европа, аниқроғи, Италияга ўз маҳсулотини экспорт қилишни бошлади. Корхонанинг хорижий буюртмачилари сафида эса Хитой, Эрон, Россия, Афғонистон ва Туркия сингари давлатлар вакиллари бор. Эътиборлиси, шу кунга қадар 2 миллион 175 минг АҚШ доллари миқдоридаги ипак калава ҳамда газлама ташқи бозорга жўнатилди.**

**Интилиш**





— Ютуқларимизда кластер усулида ишлаш ва илғор технологияларни жалб этиш ҳамда малакали кадрларга таяниш асосий пойдевор вазифасини ўтаяпти, — дейди жамият раиси ўринбосари Муртазо Қодиров. — Корхона ихтиёрида икки минг гектар ер бор. Пешку, Ғиждувон, Шофиркон, Ромитан ва Бухоро туманларида жойлашган бу майдонларда тутзорлар барпо этилган. Жойларда пиллани қабул қилиш пунктлари фаолиятини ҳам йўлга қўйганмиз. Бошқача айтганда, пиллани етиштиришдан тортиб, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган барча жараённи ўз кучимиз билан амалга оширяпмиз.

➡ 2

## «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ ДУНЁГА ЭЗГУЛИК ЁҒДУСИНИ СОЧАЁТГАН САНЪАТ БАЙРАМИДИР»



***Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» XII халқаро мусиқа фестивали янги иқтидор соҳибларини кашф қилиш билан бирга, хорижликларда ҳайрат ва ҳавас уйғотди. Буни уларнинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин.***

**Эмине БОСТАНЖИ, созанда (Туркия):**

— Қадимий шаҳарда анъанавий тарзда ташкил этилаётган “Шарқ тароналари” фестивалини бир бор бўлсада, ўз кўзларим билан кўришни, ундан баҳраманд бўлишни орзу қилар эдим. Не бахтки, бу йил ушбу эзгу ниятим амалга ошди. Санъат дунёсида муносиб ўринга эга бўлиб бораётган машҳур анжуманда мусиқа шайдоларига ўзимнинг камтарона машқларимни туҳфа этганимдан мамнунман.

Бу ерда таниқли санъат усталари билан учрашиш имкониятига эга бўлиш билан бирга, Ўзбекистоннинг жозибадорлиги, Самарқанддек қадим ва навқирон шаҳарнинг сеҳрли тафти ҳамда қардош ўзбек халқининг илиқ муносабатидан бетакрор туйғулар ҳис этдик.

Назаримда, Ўзбекистон бундай тадбирларни ташкил этиш билан жаҳонда гўзаллик, ўзаро муроса ва ҳамжиҳатликни рағбатлантиришга муҳим амалий ҳисса қўшмоқда. Яъни “Шарқ тароналари” фестивали дунёга эзгулик ёғдусини сочаётган санъат байрамидир. Алғов-далғов воқеаларга, турли можаро ва тангликларга бой бугунги кунларда, менимча, бундай тадбирлар тинчлик учун курашишнинг энг мақбул усулларидандир.

Мен ушбу фестивалда “Мундус трио” жамоаси таркибида иштирок этдим. Бизнинг триомиз байналмилал бўлиб, унинг таркибида Нидерландия, Туркия ва Ироқ вакиллари тўпланган. Биз тақдим этган мусиқий асарлар жамоа аъзоларининг келиб чиқишларидек ранг-баранг бўлиб, Ўрта Ер денгизи ва Яқин Шарқ тароналарини, жаз услубидаги ва замонавий мусиқани қамраб олган.

Умумий тили мусиқа бўлган ҳар бир санъаткор ушбу уйғунликка ўз ҳиссасини қўшди ва “Шарқ тароналари” фестивали бу жараённи кенг қамровли шаклда дунёга таратди, десак, муболаға бўлмайди.

**Паул БРАУН, санъатшунос (Ирландия):**

— Самарқандга илк бор келишим. Бу кўҳна замин ҳақида китобларда, тарихий манбаларда кўп ўқиганман. Регистон майдонида дунё мусиқасининг энг гўзал ва бетакрор намуналарини тинглаш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман. Мазкур фестиваль доирасида “Ер юзининг сайқали” — Самарқанд шаҳрини саёҳат қилдим. Халқингизнинг миллий ўзига хосликни, анъана ва қадриятларни асрлар давомида сақлаб келаётгани мени ғоят таъсирлантирди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг фестиваль очилиш маросимида “Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмати баланд бўлади”, деб айтган фикрларида чуқур маъно борлигига яна бир бор амин бўлдим.

**Франс ГРАФАНАУЕР, сайёҳ (Австрия):**

— Самарқандда турмуш ўртоғим Вероника ва укам Лукас билан илк бор бўлиб турибмиз. Биз “Шарқ тароналари” фестивалидан анча аввал келгандик. Дастлаб, қадим шаҳарнинг тарихий обидаларини, мўъжизавий Регистон майдонини томоша қилдик. Ўша пайтда ушбу майдонда “Шарқ тароналари” фестивалига қизғин ҳозирлик кўрилаётган эди. Аёлим Шарқ мусиқалари шайдоси. Шу боис юртингизда яна бир оз муддат қолиб, мазкур катта санъат байрамида қатнашишга қарор қилдик. Уч кун давомида жаҳон мусиқаларидан баҳраманд бўлдик. Бири-биридан ёқимли куй-қўшиқларни тинглаб, роҳатландик. Қисқаси, мазмунли дам олдик. Ҳаммаси учун раҳмат!

**«Дунё» АА, «Халқ сўзи».**

## «ММФИ» МТЯУнинг ТОШКЕНТДАГИ ФИЛИАЛИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

**Тошкентда «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиали иш бошлади.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходимлари, сенатор ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, атом энергетикаси бўйича маҳаллий ва россиялик мутахассислар иштирок этди.

➡ 2

**Тиббиёт**

## Навоийда АҚШнинг кўп тармоқли шифохонаси қурилади

*Яқинда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Жавлон Ваҳобов “US Inc.” компанияси раҳбари Марк Винтерс билан учрашди. Унда Навоий шаҳрида Америка компанияси томонидан клиника-ташхис лаборатория-синов базаси ва тез тиббий ёрдам марказини қуриш бўйича лойиҳа ижросининг бориши муҳокама қилинди.*

Ушбу лойиҳа Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил март ойида Навоий вилоятига ташрифи чоғида тақдим этилган эди. Шундан сўнг ўтган даврда америкалик инвестор ҳудудда “US SCIENTIFIC NAVOI” МЧЖни ташкил қилди. Айни чоғда Навоий вилояти ҳокими қарори билан Навоий шаҳри марказидан мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 0,75 гектарлик ер участкаси ажратиб берилди.

Таъкидлаш жоиз, жорий йил май ойида уюштирилган Ўзбекистон — АҚШ — Канада бизнес форуми доирасида Навоий вилояти ҳокимлиги ва “US Inc.” ўртасида меморандум имзоланди. Унда тўғридан-тўғри хориж инвестицияси ҳисобига қиймати қарийб 24 млн. АҚШ долларилик лойиҳани рўёбга чиқариш назарда тутилган эди.

Ушбу замонавий муассасанинг фаолият бошлаши натижасида 200 та янги иш ўрни яратилади, ташхис қўйиш ва даволаш тизимига замонавий усуллар ва технологиялар жорий этилади.

Вашингтондаги мулоқот давомида томонлар мазкур клиника лойиҳа қувватларини тезкорлик билан ишга тушириш истиқболларини кўриб чиқишди. Мамлакатимиз дипломатик миссияси маълумотига кўра, М. Винтерс ушбу лойиҳани ўз вақтида амалга оширишга тайёрлигини билдирган. Ўз навбатида, у ажратилган ер участкасини зарур инфратузилмалар, жумладан, табиий газ, электр энергияси, сув, канализация тармоқлари билан таъминлашда маҳаллий ҳокимиятнинг ёрдами кераклигини таъкидлаган. Зеро, буларнинг барчаси вилоят аҳолиси фаровонлиги учун энг илғор лаборатория ва даволаш қувватини ишга тушириш имконини беради.

➡ 2




*Мамлакатимиз ташқи сиёсатида хорижий давлатлар билан кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш устувор аҳамиятга эга. Буни Хитой билан тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстона алоқалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мунтазамлик касб этган учрашувлари ҳамда сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик кучайди.*

**БИЗ ва ЖАҲОН**

Икки томонлама алоқалар кўламини қуйидаги рақамлар ҳам ифодалайди: юртимизда Хитой капитали иштирокидаги **1016 корхона** фаолият юритмоқда. Шундан **116 таси** тўлиқ Хитой сармояси иштирокида ташкил этилган. Улар нефть-газ, нефть-кимё, кон-металлургия, фармацевтика, транспорт, савдо, тўқимачилик, қурилиш, телекоммуникация каби соҳаларда иш олиб бораётир.

Ўтган йили Хитой сармоялари иштирокида рўёбга чиқарилган лойиҳаларнинг умумий қиймати **2,5 миллиард АҚШ долларидан** ошди.

➡ 3

## Демократик кучлар блоки:

# ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ВА ОТА-ОНАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП ва "Миллий тикланиш" ДП фракцияларидан иборат Демократик кучлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси депутатлар томонидан кўриб чиқилди.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Таъкидланганидек, ушбу лойиҳа маориф тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тизимни тубдан такомиллаштириш ва таълимни халқаро ҳамжамият билан уйғунлашган ҳолда олиб бориш учун кенг имкониятлар яратиш, ўқитиш сифатини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

— Қонун лойиҳасида нодавлат таълим хизматларини ташкил этишда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилаётган таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақомини белгилашга кенг имкониятлар яратилаётгани алоҳида аҳамиятга эга, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Одинахон Жамолдинова. — Шу билан бир қаторда, лойиҳада назарда тутилган "махсус таълим" тушунчасига аниқлик киритиш, таълим тизимига инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бу борадаги ваколатларини қайтадан кўриб чиқиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Блок аъзоларининг фикрича, таълим соҳасида нодавлат таълим хизматлари учун кенг имкониятлар яратилгани, нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш ва улар фаолиятини лицензиялашга оид тартиблар, таълим соҳасида экспериментал ва инновацион фаолият, соҳага инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ нормалар белгиланганлиги жуда муҳим. Айниқса, фуқароларнинг хорижда таълим олиши, чет элда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг тан олиниши, шунингдек, илк бор мамлакатимизда бутун умр таълим концепциясининг киритилиши каби масалаларнинг қонун лойиҳаси нормаларида илгари сурилиши таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаради.

— Ушбу ҳужжат лойиҳасида таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш зарурлиги назарда тутилмоқда, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Нодирбек Мухторов. — Ўз навбатида, коллежлар тизимини қайта кўриб чиқиш ва уни иқтисодиётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, тезкор касбий тайёргарлик масканларига айлантириш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқиш лозим. Бу борада оила институти муҳим аҳамият касб этади. Чунки фарзандларимиз дастлабки таълим-тарбияни оилада олади. Шу боисдан фарзанд тарбиясида ота-оналар масъулиятини янада ошириш, улар учун қисқа курслар ташкил этишимиз мақсадга мувофиқ. Ана ўшанда оила — таълим муассасаси — маҳалла бўғинининг барча қисми ўз вазифасини бажаради.

Демократик кучлар блоки аъзолари томонидан "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида уни умумхалқ муҳокамасига киритиш, ҳудудлардаги таълим муассасаларида мутахассислар, ўқитувчилар ва тарбиячилар, олимлар ўртасида кенг муҳокама этиш лозимлиги бўйича тавсиялар берилди.

Якунда кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

Анжуман

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг республика даражасидаги муҳокамасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар, вазирлик ва идоралар, Омбудсман, Ўзбекистон иш берувчилар конфедерацияси, жамоат ташкилотлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

Қайд этилганидек, касаба уюшмаларини ташкил этиш ва улар фаолияти, фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бобидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси жорий йилнинг июль ойида парламент қуйи палатасида концептуал жиҳатдан маъқулланган ҳамда уни кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш белгиланган эди.

Шу мақсадда лойиҳа матни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг "parliament.gov.uz", Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг "kasaba.uz" веб-сайтларига жойлаштирилди. Табиийки, лойиҳа юзасидан кўплаб таклифлар келиб тушди. Барча ҳудудда ўтказилган жамоатчилик муҳокамалари чоғида ҳам ўнлаб таклифлар билдирилди. Пировардида улар депутатларга тақдим этилди. Шу асосда лойиҳа янада такомиллаштирилди.

Муҳокамалар чоғида мазкур қонун лойиҳасининг амалдаги Қонундан фарқли жиҳат ва афзалликлари хусусида атрофлича маълумот берилди. Хусусан, янги қонун лойиҳасида фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш имкониятлари янада кенгаймоқда. Қолаверса, амалдаги Қонунга биноан, касаба уюшмалари корхона-ташкилотларда тузилиши белгиланган бўлса, лойиҳага кўра, барча иш ўринларида касаба уюшмалари тузиш мумкин бўлади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциясига мувофиқ, касаба уюшмалари мустақиллигини таъминлаш учун иш берувчилар касаба уюшмаси таъсисчиси ва сайлаб қўйиладиган органи аъзоси бўла олмайди. Муҳокама этилаётган қонун лойиҳасида шу жиҳатлар ҳам инобатга олинган.

Касаба уюшмалари бирлашмаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишдаги иштироки кафолати кучайтирилганлиги ҳам муҳим янгиликлар сирасига киради. Айни пайтда Касаба уюшмалари Федерацияси шу ваколатга эга бўлса, эндиликда республика миқёсидаги касаба уюшмалари бирлашмаларининг барчаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиши мумкин бўлади.

Шунингдек, бундан кейин мазкур ҳужжат асосида касаба уюшмалари ўз аъзолари манфаатини ифода этувчи ташкилот сифатида ижтимоий шериклари, халқаро атама билан ифода этганда, трипартизм вакиллари билан ходимлари ҳуқуқлари юзасидан судларгача бора олади.

Тадбирда лойиҳа аниқ, лўнда ва тушунарли ёзилганлиги ҳамда у касаба уюшмалари фаолиятининг тўлиқ ва изчил амалга оширилишида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).**

# ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ

**Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг келишувига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов бошчилигидаги делегация ХХРга ташриф буюрди.**

Ташриф асносида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян ва бошқа расмий кишилар, шунингдек, ишбилармон доира вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва ХХР Раиси Си Цзиньпин ўртасида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар чоғида эришилган келишув ва битимлар ижроси муҳокама қилинди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган учрашувлари ва сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон ва Хитой ўртасида кўп томонлама стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани қайд этилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон — Хитой хукуматлараро қўмитасининг ҳамкорлик бўйича бешинчи йиғилиши ўтказилди. Унда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш, инновациялар, технологиялар, шунингдек, транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган янги инвестиция лойиҳалари юзасидан истиқболли келишувларга эришилди.

Ўзбекистон делегацияси Шэньчжэнь шаҳрига ҳам ташриф буюрди. Бу ерда йирик компаниялар фаолияти билан танишилди ва ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунига кўра икки томонлама битимлар имзоланди.

**ЎзА.**

# «TASHKENT CITY»ДАГИ ЭНГ БАЛАНД БИНО ЛОЙИҲАСИГА НЕГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛДИ?

*"Tashkent City" халқаро ишбилармонлик марказида "Осмон ҳамма учун" шиори остида бунёд этиладиган улкан иншоот лойиҳасига ўзгартириш киритилди. Бунга инвесторлар — маҳаллий "Murad Buildings" компанияси ҳамда Туркиянинг "Özgüven Architecture" архитектура бюроси раҳбарлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган матбуот анжуманида изоҳ берди.*



Бунёдкорлик

Гап шундаки, дастлаб Ўзбекистондаги биринчи осмонўпар бинонинг баландлиги 215 метрдан ошиши айтилган эди. Аммо қурилиш ишлари олиб бориладиган бир ярим гектар майдондаги ер қатлами, тупроқ таҳлили, шунингдек, бошқа синовлар натижаси бинони янада баланд қилиб тиклашга ундади. Яъни унга яна 51,5 метр қўшилиб, 266,5 метрга етказишга қарор қилинди.

Замонавий мажмуага "Nest One" номи берилди. 51 қаватли улкан иншоотдан "люкс" таснифига кирувчи 746 та хонадон ўрин олади.

— "Nest One" нафақат ўз маҳобати, балки беш юлдузли меҳмонхоналар даражасидаги қулайликлари билан ҳам аҳолини мамнун қила олади, — дейди "Murad Buildings" компанияси раҳбари Мурод Назаров. — Иншоот замонавий меъморий ечимларга эга бўлиб, бу ерда яшовчилар уйдан ташқарига чиқишга деярли эҳтиёж сезишмайди. Меҳмонларни кутиб олиш учун муҳташам ресторанлар, бизнес мулоқотлар учун конференция заллари, спорт мажмуалари, қўйингки, бугунги тезкор ҳаёт учун зарур барча шароит муҳайё этилади. Бу каби қулайликлардан бир хонали уй сотиб олганлар ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг умумий қиймати 150 миллион АҚШ долларига тенг. Бироқ ҳали хонадонларнинг баҳоси эълон қилингани йўқ. Инвесторларнинг айтишича, бу ҳақда шу йилнинг 15 сентябрида аниқ маълумотлар тақдим этилади. Чунки ўша куни хонадонлар савдоси бошланади.

Кўпчиликни улкан мажмуанинг мустаҳкамлиги, айниқса, зилзилага қанчалик бардошли бўлиши қизиқтираётгани бор гап. Хўш, бинонинг хавфсизлиги қай даражада таъминланади?

— Ер силкинишига бардошлилик синовлари Туркияда ўтказилди ва бино 9 балли зилзилага дош беришига ишонч ҳосил қилдик, — дейди "Özgüven Architecture" архитектура бюроси директори Озгюр Онур Озгювен. — Бундан ташқари, баланд биноларга жиддий хавф туғдирадиган шамолга қарши синовлар ҳам ўтказилди. У Германияда олиб борилди. Шунингдек, қурилишда ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, пойдевор ўта мустаҳкам бўлиши учун "Barret" тизими қўлланилди. "M800" маркали бетондан фойдаланишга қарор қилдик ва бунинг учун 4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, Тошкент атрофида махсус бетон заводи қурилмоқда. Қисқаси, биз бунёд этадиган бино барча хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беради.

"Tashkent City" халқаро ишбилармонлик марказининг зийнатига айланадиган "Nest One" мажмуаси 2021 йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ («Халқ сўзи»).**

# 133 МИНГГА ЯҚИН АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

*Юқори Чирчиқ туманида Давлат хизматлари маркази биносининг ишга туширилгани шу ҳудудда истиқомат қилаётган 133 мингга яқин аҳоли учун энг улуғ, энг азиз айёмга муносиб совға бўлди.*

Хизмат

Аҳолининг давлат хизматларига бўлган талабини қондириш мақсадида Тошкент вилоятида жами 22 та ана шундай марказ фаолияти йўлга қўйилган. Шу кунга қадар 4 таси реконструкция қилинди. Жорий йил якунигача яна ўнга яқин замонавий марказ бинолари фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Юқори Чирчиқ тумани Давлат хизматлари марказига келувчи фуқароларга икки хонада хизмат кўрсатилади. Электрон навбат олиш учун инфокиоск фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Кутиш залидаги шароитлар ҳам кўзни қувонтиради.

Ушбу марказда фуқароларга 17 та қабул ойнасида 100 турдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилади. Қолаверса, бу ерда она ва бола, тиббий ёрдам хонаси, банк кассалари мавжуд. Замонавий кафетерий ҳам бу ерга ташриф буюрувчилар ихтиёрида. Ташкил этилган кичик кутубхона эса, навбат кутиб турган фуқаролар вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади.

— Одамлар учун яратилаётган қулайликлардан мамнунмиз, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги "Иттифоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфина Айтбоева. — Навбат рўйхатини намойиш этадиган 5 та мониторда қайси қабул ойнасига боришингиздан хабардор бўласиз. Бундай қулай, тезкор ва шаффоф хизматдан кўнглингиз таскин топади. Хушмуомалаликни айтмайсизми?! Фуқароларни очиқ чеҳра билан "Келинг, нима хизмат?" дея қарши олинаётгани кайфиятни янада кўтариб юборади. Яратиб берилаётган бу каби шароитлар вақтимизни тежаш билан бирга, давлат хизматларидан тезкор ва қулай фойдаланиш имконини бермоқда.

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси маълумотларига кўра, бинода Президентнинг Халқ қабулхонаси ва Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ҳам иш бошлади. Тез орада Зангиота туманида ҳам ана шундай Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).**

# Навоийда АҚШнинг кўп тармоқли шифохонаси қурилади

1

Якунда Марк Винтерснинг қисқа вақт ичида Ўзбекистонга ташрифи ва Навоий вилояти ҳокимлиги раҳбарияти билан учрашиши қайд этилди. Америкалик ишбилармон Навоий шаҳрига сафари чоғида ўз лойиҳасининг бош режасини намойиш этиш, қолаверса, бу борадаги нуқтаи назарини билдириш ва келгуси қадамлар учун компанияси эҳтиёжларини белгилаб олишни режалаштирган.

Шуларга мос равишда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳам ушбу лойиҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва АҚШ томони билан мўлжалланаётган қурилиш ишлари, хусусан, уни амалга ошириш учун зарур бўлган инфратузилма масалаларини ечишга тайёр эканлигини билдирган.

АҚШлик тадбиркорнинг айтишича, "US Inc." томонидан қўйилган масалалар маҳаллий ҳокимият томонидан ўз вақтида ҳал этилса, клиника ва тез тиббий ёрдам марказининг қурилиши ҳокимлик томонидан маъқулланган муддатларда якунланади.

**С. МАХСУМОВ («Халқ сўзи»).**

# «ММФИ» МТЯУнинг ТОШКЕНТДАГИ ФИЛИАЛИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

1

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов, «Росатом» атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори А. Лихачёв Тошкентда мазкур университет филиалининг очилиши соҳада етук мутахассислар тайёрлашга хизмат қилиши, улар келгусида илмий изланишлар олиб боришига ишонч билдириб, талабаларнинг ўқишига муваффақият тилади.

«ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиали Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг мамлакатимизда АЭС қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишуви доирасида ташкил этилди.

— Атом энергияси бўйича дунёда нуфузли олий ўқув юртларидан бири ҳисобланадиган ушбу таълим даргоҳи илк филиалининг Тошкентда очилиши Ўзбекистонда ядро энергетикаси ва иссиқлик физикаси бўйича юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш имконини беради. Ўз навбатида, Ўзбекистон — Россия ўртасида илм-фан соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу маънода, Ўзбекистонда барпо этилаётган атом энергетикаси объектларини бошқаришга қодир малакали мутахассислар тайёрлаш учун замин яратамиз, — деди «Росатом» атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори А. Лихачёв.

«ММФИ» МТЯУнинг Тошкентдаги филиалида талабалар энг замонавий дастурлар асосида таълим олади. Филиал битирувчиларига Ўзбекистон ва хорижда бирдек тан олинадиган диплом берилади ҳамда мутахассислиги бўйича иш билан таъминланади.

Университет филиалида талабаларга ўзбекистонлик мутахассислар билан бирга, Россия ва хорижий давлатлардаги етакчи олий таълим муассасалари малакали ўқитувчилари ҳам дарс беради.

Жорий ўқув йилида мазкур олий таълим муассасасига 100 нафар йигит-қиз давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

— Шу олий таълим муассасасида ўқиш бахти насиб қилганидан хурсандман, — деди «ММФИ» МТЯУнинг Тошкентдаги филиали ядро физикаси ва технологияси факультети 1-босқич талабаси Аҳрор Ҳасанов. — Филиалда барча шароит яратилган. Бу ерда 11 лаборатория, талаба ва ўқитувчилар учун спорт мажмуаси, кутубхона мавжуд. Биз Россия таълим стандартларига мувофиқ, ядро энергетикаси ва ядро технологияси бўйича билим оламиз.

**Хуршид ҚОДИРОВ, ЎзА мухбири.**

# ЎЗБЕК ИПАГИГА ХАРИДОР ДАВЛАТЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

1

Дарҳақиқат, ипак қуртини мўъжизага қиёслаш мумкин. У минг чандон уриниб, сержило ипак толани яратади. Ундан эса инсон ақл-заковати билан жилвакор матолар дунёга келади. Бунга қадар эса...

— Пилла тайёр маҳсулот ҳолига келгунича ўнга яқин жараёнлар бажарилади, — дейди саралаш цехи ишчиси Лола Жўрабоева. — Биз унинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратамиз. Масъулият катта. Чунки маҳсулот сифати, кўп жиҳатдан, бизга боғлиқ.

Корхонада инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мана, тўқув цехини олинг. Бу ерда айни пайтда Италиядан олиб келинган "Itema" русумли бешта дастгоҳ ишлаяпти. Таъмирловчи Рустам Тойировнинг айтишича, бу ускуналар турдошларидан тезлиги юқорилиги, энергия тежамкорлиги, сифатли маҳсулот тайёрлаши билан ажралиб туради. Турдош дастгоҳ 8 соатда 10 — 12 метр газлама тўқиса, мазкур "ақлли машина"да бу кўрсаткич 30 метрни ташкил этади. Бунинг учун зарур маълумотни унинг хотирасига киритиш кифоя. Бельгиядан харид қилинган гул тўқийдиган ускуналар хусусида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин.

— Касбимни жуда яхши кўраман, — дейди ишчилардан бири Дилафрўз Сафарова. — Шофиркон туманиданман. Икки йилча муқаддам ишдан бўшаб кетгандим. Аммо ўйлаб қарасам, бу жамоага ипсиз боғланиб қолган эканман. Корхонадагилар ҳам ишга қайтишимни хоҳлашди. Хурсанд бўлдим. Яна қадрдон жамоамдаман. Биз учун бу ерда барча шарт-шароит яратиб берилган.

Корхонанинг тикув цехи ҳамда фирма дўконига кирган киши кластер усулининг афзаллигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади. Дизайнер Сурайё Нарзуллаеванинг билдиришича, бу ерда 2,5 мингдан зиёд миллий дизайндаги матолар мавжуд.

— Қадимий Бухоронинг тарихий обидаларидаги бетакрор нақшлар, музейларда сақланаётган адрасу атласлар, сўзаналарни кўриб, ўрганамиз, — дейди у. — Улар бизга янги нақшлар яратишимизга туртки беради, яъни шулар асосида ижодий изланиш олиб борамиз. Меҳнатимиз маҳсули — биз яратган дизайндаги ипак матони хорижий сайёҳлар харид қилаётганлигини кўрганимизда, рости, шунчалар хурсанд бўламизки, асти қўяверинг...

Ҳозирги пайтда корхона тадбиркорлари янги лойиҳалар рўёби устида ишламоқда. Масалан, тут баргидан шифобахш чой ишлаб чиқариш — шулардан бири. Бу лойиҳани Президентимиз Бухорога қилган ташрифи чоғида қўллаб-қувватлаган эди. Шу асосда бугун Ғиждувон туманида тут баргидан чой тайёрлашга ихтисослаштирилган корхона қуриляпти. Йилига 200 тонна шифобахш чой тайёрлаш қувватига эга корхона ноябрь ойида фойдаланишга топширилади. Натижада "Бухоро бриллиант силк"нинг экспорт салоҳияти янада ошади. Йил охирига қадар корхона жамоаси хорижий буюртмачиларга 4,5 миллион АҚШ долларилик маҳсулот етказиб бериш мақсадида самарали меҳнат қилмоқда.




**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



# Ўзбекистон — Хитой:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ КЕНГ УФҚЛАРИ

1 *Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни фаоллаштириш натижасида икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2018 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич 6,4 миллиард доллардан ошди. Яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Бунга давлатларимиз салоҳияти етади.*

*Яратиб берилаётган кенг имкониятлар туфайли икки мамлакат турли соҳа вакилларининг ўзаро борди-келдиси фаоллашди. Юртимиз оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат делегациянинг яқинда Хитойга қилган ташрифи бунинг яна бир тасдиғидир. "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ходимлари ҳам делегация таркибида ушбу мамлакатда бўлиб қайтишди.*

*Мазкур сафар ҳақида газетамизнинг аввалги сонларидан бирида маълумот бериб ўтгандик. Унинг мантиқий давоми сифатида ушбу мақолада Пекин ва Шэньчжэнь шаҳарларидаги расмий учрашувларимиз, музокараларимиз, таассуротларимиз ҳақида сўз юритилади.*



*Хитой марказий телевидениеси биноси.*

## «Юртингизда ўз мухбирлик тармоғимизни очиш ниятидамиз»

Пекиннинг ишбилармонлик марказларидан бирида шундай иншоот борки, у ғайриоддий услубда қурилгани билан киши эътиборини ўзига тортади. Бу Хитой марказий телевидениеси — "CCTV"нинг бош қароргоҳи жойлашган бинодир. У голландиялик машҳур архитектор Рем Колхас ва германиялик Оле Шерен томонидан лойиҳалаштирилган. Меъмор "CCTV" бош қароргоҳи учун шундай услуб танладики, унинг ғояси асосида қад ростлаган телевизион марказ иншоотларни баланд қилиб қуриш бўйича пойга кетаётган бугунги давримизда одамларнинг қарашларини бир оз ўзгартира олди. Яъни объект диққатни тортадиган бўлиши учун, албатта, қандайдир рекордни янгилаш шарт эмас, ишга шунчаки ноодатий ёндашилса кифоя эканини исботлаб берди.

Бу ноёб мажмуанинг қурилиши 2004 йилда бошланиб, 2009 йилда якунланган. У 54 ва 44 қаватли, қия шаклда барпо этилган иккита бинодан иборат бўлиб, уларнинг юқори қисмлари бир-бири билан туташтирилган. Умумий майдони 475 минг квадрат метр. Албатта, шунчалик катта жойга эга иншоотда фақат телевидение ходимлари фаолият юритмайди. Бу ерда театр, кўплаб кўргазма майдончалари, яшил ҳудуд, меҳмонхона, ресторанлар ва савдо нуқталари мавжуд. Қизиқувчилар бинога келиб, белгиланган йўналиш бўйича студияларни, телевидение тарихидан ҳикоя қилувчи экспозицияларни, юқори қаватларга чиқиб, Пекин шаҳрининг гўзал манзарасини томоша қилишлари мумкин.

2013 йилда ушбу иншоот "Осиёнинг энг яхши осмонўпар биноси" деб топилган. Аммо лойиҳа муаллифи бу эътирофни хушламаган. Чунки у эгри услудаги конструкциялар яратиш орқали осмонўпар биноларга қарши кураш эълон қилган архитектордир. Аниқроқ айтганда, Колхас ўзи яратган лойиҳаларнинг осмонўпар, деган таърифи олишини истамайди.

Телевизион марказ жойлашган иншоот аллақачон Хитойнинг "ташриф қоғоз"ларидан бирига айланиб улгурган. Биз Пекиндаги сафаримиз давомида "CCTV"нинг бош қароргоҳида бўлдик. Аммо ташрифимиздан кўзланган асосий мақсад иншоотни томоша қилиш эмас, балки бу ерда ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашиш, музокара ўтказишдан иборат эди.

Хитойлик журналистларнинг маълум қилишича, "CCTV" илк бор "Пекин телевиденияси" номи билан 1958 йил 2 сентябрда эфир юзини кўрган. 1973 йилда унинг иккинчи канали очилган. 1978 йил 1 майда "CCTV" дея юритила бошланган. Бугун Хитой марказий телевидениеси таркибига 16 та канал киради. Улардан бири — Хитойнинг глобал телевизион тармоғи — "CGTN"дир. Биз айнан шу тармоқ вакиллари билан суҳбатлашдик.

"CGTN" 2016 йил 31 декабрда ишга туширилган бўлиб, унинг олтита — инглиз, испан, француз, араб, рус тилларидаги ва битта ҳужжатли фильмлар намойиш этиладиган канали мавжуд. Интернет оламида ҳам кенг аудиторияни қамраб олган. Унинг асосий йўналиши — хорижликларга мамлакат ҳақидаги ахборотларни етказиш. Ҳозир "CGTN"нинг Пекин, Вашингтон, Найробида продюсерлик марказлари ҳам фаолият юритмоқда.

"CGTN" халқаро алоқалар бўлими вакиллари билан мулоқот чоғида бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги янгиликлар хусусида атрофлича маълумот бердик. Таъкидланганидек, айни пайтда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижлик мухбирлар орасида айнан Хитой вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Хитойнинг энг йирик оммавий ахборот воситалари ходимлари юртимиздаги янгиликларни мунтазам равишда ўз мамлакати аҳолисига етказмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон журналистлари ҳам Хитойга тез-тез ташриф буюриб, турли репортажлар, кўрсатувлар, мақолалар, янгиликлар тайёрламоқда. Бундай ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам манфаатлидир.

— Чиндан ҳам, ўзаро алоқаларни янада кучайтиришимиз жуда муҳим, — дейди "CGTN" халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Чэнь Цзютин. — Биз Тошкентда ўз мухбирлик тармоғимизни очиш ниятидамиз. Бундан ташқари, ўзбекистонлик журналистни Хитойда, сафимизда фаолият юритиши учун таклиф қилишни режалаштирганмиз. Икки мамлакат оммавий ахборот воситаларининг ўзаро алоқалари мустаҳкамланиши маълумотларни биринчи манбадан олиш имконини беради. Ҳозиргача Марказий Осиё, жумладан, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан кўп лойиҳалар доирасида биргаликда ишладик. Масалан, ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитларида бир-биримиз билан маълумотлар алмашиш, улар томонидан тайёрланган материалларни бизда, биз тайёрлаган лавҳаларни эса ҳамкорларимиз телеканалларида намойиш этиш тажрибасини қўлладик. Биз алоқаларимиз янада мустаҳкамланиши тарафдоримиз.

Дарҳақиқат, юқорида айтганимиздек, Хитой телеканаллари юртимиз ҳақида туркум материаллар тайёрламоқда. Мисол учун, "CCTV-4" телеканали Фарғона ва Марғилон ҳақида фильмларни эфирга узатган бўлса, "CCTV-6" телеканалида Ўзбекистоннинг бой тарихи ва мероси тўғрисида фильм намойиш қилинди. "CCTV-7" телеканали мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, миллий таомларимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида махсус кўрсатувни тақдим этди. Маълумотларга қараганда, уларни хитойликлар катта қизиқиш билан кутиб олган.

Музокараларимиз сўнгида "CGTN" билан келгуси ҳамкорлик йўналишлари ҳақида фикр алмашдик.

## Келажак шаҳри

Бизнинг навбатдаги манзилимиз Хитой жануби-шарқидаги Шэньчжэнь шаҳри бўлди. У ерга Пекиндан самолётда 3 соатда кўпроқ вақтда етиб бордик.

Хитойликларда "Агар ўтмишни кўришни хоҳласангиз Пекин ёки Шанхайга, келажакни кўрмоқчи бўлсангиз Шэньчжэнга боринг" деган гап бор экан. Бир қарашда бу кент мамлакатнинг одамлар билан гавжум одатий мегаполисига ўхшайди. Аммо у иқтисодий мўъжиза сифатида танилган, дунё тадбиркорлари ва дастурчилари интиладиган, инновациялар марказига айланган бошқалардан тубдан фарқ қилади. Жанубий Хитой денгизи қирғоғидаги шаҳарни Хитойнинг "Силикон водийси" деб ҳам аташади.

Яқин ўтмишда 30 минг атрофида аҳолиси бўлган, одамлари, асосан, балиқчилик ва туз қазиб олиш билан шуғулланган посёлка мақомидаги ҳудуд қандай қилиб қисқа фурсатда "Келажак шаҳри"га айланди? Келинг, қисқача шу ҳақда сўз юритсак.

Хитойнинг буюк давлат арбоби Дэн Сяопин 1976 йилда мамлакатдаги хатоларга ечим топиш устида ишлайди. У фаолиятининг устувор йўналиши сифатида дунёнинг етакчи давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатишни белгилаб олади. Айнан ўша вақтда Дэн Сяопин Шэньчжэнга янги ҳаёт бағишлаб, уни махсус иқтисодий зона сифатида тажрибада синаб кўриш учун танлайди. Шундай қилиб, 1980 йилда Хитойдаги биринчи махсус иқтисодий зона юзага келади. Ушбу ташаббус тез орада ижобий натижасини кўрсатади. Қолаверса, ҳудуднинг порт шаҳри бўлгани жаҳоннинг турли мамлакатларидан савдо ва йўловчи кемаларини қабул қилиш, иқтисодиётни ривожлантиришга катта туртки беради. Нафсиламрини айтганда, 40 йилга яқин бир даврда Шэньчжэнь энг чекка ҳудуддаги кичик бир посёлкадан халқаро даражадаги мегаполисга айланади.



Шэньчжэнь шаҳрининг бир кўриниши.

## Эркин иқтисодий зоналар ва юксалаётган салоҳият

Шэньчжэнь ташкил этилганидан буён ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 23 фоиздан ошди. Бу кўрсаткични аҳоли жон бошига ҳисоблаганда шаҳар мамлакат бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Умумий иқтисодий рақамлар борасида эса у дунёнинг энг яхши 30 та шаҳри қаторига киради.

Дарҳақиқат, махсус эркин иқтисодий зона қарийб 40 йил мобайнида Хитойдаги ислоҳот ва очиқлик сиёсатининг энг жозибадор амалиётини ўзида намоён этди. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Ер юзида 4000 дан зиёд эркин иқтисодий зоналар мавжуд. Буюк Британиянинг "The Economist" нашри талқинига кўра, Шэньчжэндаги махсус иқтисодий зона улар орасида энг яхшисидан биридир.

1979 йилда Шэньчжэнда ялпи ҳудудий маҳсулот 197 миллион юанни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 2421,918 миллиард юанга етди ва дунё иқтисодчилари ҳамда экспертлари орасида "Шэньчжэнь тезлиги" деган ибора пайдо бўлди.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Шэньчжэнь инновацион шаҳарлар сирасига киради. Бугунги кунда кентда илм-фан, тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш интеграцияси тобора ривожланяпти. Бинобарин, Хитойдаги шаҳарлар орасида Шэньчжэннинг технологиялар яратиш борасида етакчиликка эришиши ҳам бу борада ана шундай узвий тизим яратилгани билан боғлиқ.

Айни пайтда шаҳарда юқори технологияли корхоналар сони 14 400 дан зиёд. Мазкур кўрсаткич билан у мамлакатда иккинчи ўринда туради. Халқаро миқёсда нуфузли саналган "Fortune 500" рўйхатидан ўрин олган йирик компаниялар — "Huawei", "Ping An", "Tencent", "Vanke" ва "Hengda" айнан шу шаҳарда жойлашган.

Умуман, Шэньчжэнь минтақада иқтисодий, илмий технологик, инновацион, молиявий, савдо ва логистик марказ сифатида ном қозонмоқда. У Осиёдаги энг йирик порт сифатида ҳам етакчилар қаторида туради.

Шаҳар йирик саноат ҳудуди бўлгани билан экологияга ҳам жуда жиддий эътибор берилади. Яъни атроф-муҳитга деярли заҳарли чиқиндилар чиқарилмайди. Чунки бу ерда энг замонавий, модернизациялашган технологиялардан фойдаланилади. Қолаверса, Шэньчжэнь умумий майдонининг 40,9 фоизи яшилликдан иборат. Дарахтлар, гуллар кўплиги боис у "Боғлар шаҳри" деган таърифга ҳам сазовор бўлган. Мабодо, интернетдаги харита орқали Шэньчжэнь шаҳрига аҳамият берсангиз, у яшил рангда тасвирланганига гувоҳ бўласиз.

Автомобилларнинг асосий қисми эса электр токи билан ҳаракатланади. Бундай турдаги машиналарга яшил рангдаги давлат рақам белгиси берилади. Яна бир қизиқ жиҳати, ҳудудга бошқа жойдан келган ҳар қандай автоуловнинг соат 19:00 дан кейин кўчада юриши тақиқланган.

Бизга ҳамроҳлик қилган гиднинг айтишича, Шэньчжэнь жуда кўп бўш иш ўринлари, муносиб маош ва юқори турмуш даражаси билан одамларни ўзига жалб қилади. Ана шу имкониятдан фойдаланиш учун эса бу ернинг паспортини олиш лозим. Лекин паспорт фақат олий маълумотга эга кишиларгагина бериларкан. Бу ҳам ҳудуднинг илмий, интеллектуал салоҳиятини кучайтиришга қаратилган бир усул экани, шубҳасиз.

Аҳолининг ўртача ёши 32,5 ёшни ташкил қилади. Шэньчжэнга истеъдод ва иқтидор эгаларининг интилиши бежиз эмас. Аввало, бу шаҳарда Цинхуа университетининг илмий тадқиқот институтлари, Жанубий илмий-технологик университет фаолият юритади. Ўз навбатида, юқори малакали кадрларга бу ерда имтиёзлар жуда кўп.

Шаҳарда тураржой харид қилиш осон эмас. Маълумотларга кўра, бугунги кунда хонадонларнинг 1 кв. метри 8000 АҚШ долларидан бошланиб, 15 минг долларгача боради. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ва нарх-навонинг бундай юқори бўлишига қарамай шаҳар маъмурияти кўп қаватли уйлар бунёд этишни етти ўлчаб амалга оширади. Яъни ҳудуддаги кичик ўрмонларни эслатувчи, бир-бири билан зич жойлашган дарахтларга зиён етказилмайди.

## Кулбада фаолият бошлаб, медиа-холдингга айланди

Ўзбекистонлик журналистлар "Шэньчжэнь Пресс-групп" медиа-холдинги бош қароргоҳида ҳам бўлишди.

Дастлаб "Шэньчжэнь Пресс-групп" бош директори Чэнь Инь меҳмонларни холдинг тарихи, бугунги фаолияти, журналистлар учун яратилган шароитлар, амалга оширилаётган янгиликлар билан таништирди. Унинг маълум қилишича, групп 10 та газета, 5 та журнал, 10 дан ортиқ интернет сайти ва иловалар, шунингдек, нашриёт уйи ва рекламага ихтисослаштирилган компанияни бирлаштирган. Янгиликлар, асосан, хитой тилида бериб борилади. Инглиз тилида нашр этиладиган "Shenchzhen daily" газетаси ҳам бор. Группнинг кичик студияси ҳам мавжуд бўлиб, бу портал учун видеоматериаллар, суҳбатлар тайёрлашга мўлжалланган. Зеро, бундай ёндашувни бугун замоннинг ўзи талаб қиляпти.

Биз медиа-холдинг музейи фаолияти билан танишдик. У жуда катта павильонни эгаллаган бўлиб, бу ерда тарих, қийинчилик даврлари ва эришилган ютуқлар суратларда, газеталар илк бор нашр қилинган қурилмаларда, журналистлар мақолаларини ёзган машинкаларда акс эттирилган. Суратларнинг бирига "Илк бино шундай бўлган" деб ёзиб қўйилган. Яъни "Шэньчжэнь Пресс-групп" дастлабки газетасини чиқара бошлаган пайтда фаолиятини вайрона кулбада бошлаган. Унинг ҳозир осмонўпар иншоотда эканини кўриб, ривожланиш даражасига холис баҳо бериш мумкин.

Танишув давомида таҳририятларда ҳам бўлдик. Бу ерда эътиборимизни бир жиҳат тортди. Соат тахминан кундузги 11 бўлишига қарамай таҳририятда бирорта ходимни учратмадик, кўрмадик. Бунинг сабабини мутасаддилардан қизиқиб сўрасак, улар барча ижодий ходимлар тушгача ахборотлар тўплаш билан банд бўлишини, сўнгра ишхонага келиб, ижод билан шуғулланишларини айтишди.

"Шэньчжэнь Пресс-групп" фаолияти билан яқиндан танишилгач, унинг раҳбарияти, газеталар мутасаддилари ва делегациямиз аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

— Биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, — дейди "Шэньчжэнь Пресс-групп" бош директори. — Аслида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар узоқ ўтмишга, Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалади. Бугун Хитой ташаббуси билан унинг янги кўриниши, яъни "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси амалга ошириляпти. Ўзбекистон уни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган ва бу борада давлатимизнинг асосий шерикларидан бири саналади. Шундай экан, оммавий ахборот воситаларининг ҳам ижодий алоқалари жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз. Бу мамлакатларимиз ҳақида холис ахборот етказиш, ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилади.

Музокаралар давомида ҳамкорлик йўналишлари бўйича фикрларимизни билдирдик. Ўз навбатида, хитойлик ҳамкасбларимизни Ўзбекистонга ташриф буюришга, мамлакатимиздаги янгиликлар билан яқиндан танишиб, турли материаллар тайёрлашга таклиф қилдик.



"Huawei" компаниясининг кўргазма зали.

## Дарс ўтадиган, қаҳва дамлайдиган роботлар...

Делегациямиз янги стартапларга ўз лойиҳаларини амалга оширишда ёрдам берадиган "IngDan" юқори технологиялар компаниясининг кўргазма залига ҳам ташриф буюрди.

Унинг жамоатчилик билан алоқалар менежери Сабрина Лининг таъкидлашича, "IngDan" — дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорлик қилиб, истеъмолчилар ва саноат учун турли хил замонавий қурилмалар ишлаб чиқаради.

"Ноу-хау"лар орасида роботлар алоҳида ўрин эгаллайди. Эътиборлиси, улар ўз вазифаларига қараб турли тоифаларга бўлинади. Масалан, ўқувчиларга фанлардан сабоқ берадиган, бирор жойга боришда ҳамроҳлик қиладиган, қаҳва дамлайдиган, таржимонлик қиладиган ва бошқа роботлар бор...

Компаниянинг қурилиш майдонларида ишчилар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаси ҳам эътиборга лойиқ. Маълумки, ходим қурилиш жараёнида махсус бош кийим ва нимча кийиб юриши шарт. Уни ечиб қўйиш эса турли бахтсиз ҳодисаларда ишчининг соғлиғига зарар етказиши мумкин. Лекин била туриб, гоҳида шундай қиладиган ходимлар ҳам учрайди. Мабодо кўнгилсиз воқеа рўй бериб, у жабр кўргудек бўлса, бу иш берувчига ортиқча ташвиш туғдиради. "IngDan" таклиф қилаётган лойиҳада кузатув мосламалари орқали қурилиш майдонидаги барча ишчи назоратда бўлади. Агар бирорта ходим меҳнат вақтида бош кийимини ёки нимчасини ечса, шу ондаёқ марказий компьютерга сигнал келади. Назоратчи мутахассис бундан хабар топиб, ишчини дарҳол меҳнат хавфсизлигига риоя қилишга чақиради. Бир қарашда жуда содда, аммо бугунги кун учун жуда зарур янгилик.



**«Ноу-хау»**лар орасида роботлар алоҳида ўрин эгаллайди. Эътиборлиси, улар ўз вазифаларига қараб турли тоифаларга бўлинади. Масалан, ўқувчиларга фанлардан сабоқ берадиган, бирор жойга боришда ҳамроҳлик қиладиган, қаҳва дамлайдиган, таржимонлик қиладиган ва бошқа роботлар бор...

Бошқа бир ишланма либослар сотиб олишда қулайлик туғдиради. Яъни сенсорли, сканерли экран олдида туриб, дастлаб бор бўйингиз билан суратга тушасиз. Мониторда суратингиз чиққач, кўйлак, шим, оёқ кийимнинг турли фасон ва рангдагисини танлашингиз мумкин бўлади. Компьютер уни сизга кийилган ҳолда кўрсатади. Қайси бири ярашса, ўшани танлайсиз. Бу орқали, аввало, турли кийимларни кийиб-ечиш ташвишидан қутуласиз. Қолаверса, либоснинг ўзингизга мос келган ёки келмаганини четдан қараб кўриш имкониятига эга бўласиз. Энг маъқул вариантни белгилаганингиздан сўнг, маҳсулотнинг нархи экранда намоён бўлади. Уни сотиб оласиз... Бундай қурилмалар, асосан, дўконларга мўлжалланган.

"IngDan" соғлиқни сақлаш ва автомобилсозлик соҳасида ҳам қатор ишланмаларни таклиф этяпти. Компания фаолиятининг яна бир йўналиши, бу — "ақлли хонадонлар" учун қурилмалар ишлаб чиқишдан иборат.

## «5G» мўъжизаси

Дунёда яратилаётган технологиялар орасида "Huawei" компанияси маҳсулотлари алоҳида ўринга эга. Компания фаолиятининг асосий йўналишларига телекоммуникация тармоқлари, ахборот технологиялари, "ақлли қурилмалар"ни ишлаб чиқариш киради. Делегациямиз Шэньчжэндаги "Huawei" компаниясининг бош қароргоҳига ташрифи давомида бу ҳақда батафсил танишиш имкониятига эга бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "Huawei" 1987 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда 170 дан ортиқ мамлакатларда 188 мингдан зиёд ходимларига эга. Унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 1999 йилда очилган.

Ҳозир "Huawei" "5G" технологиясини ишлаб чиқарувчи жаҳондаги етакчи компаниялардан бири саналади. Компания вакилларининг фикрига кўра, "5G" технологияси глобал ЯИМ ўсишига кучли туртки беради. Унинг улуши 3,9 миллиард долларга етиши мумкин, шу билан бирга, янги технология 22 миллионта янги иш ўрни очилишига замин бўлади.

Мазкур технология ёрдамида яратилаётган ишланмалар кишини ҳайратлантирмай қўймайди. Масалан, айни пайтда "4K" функциясига эга телевизорлар энг юқори сифатда кўрсатишини яхши биламиз. "Huawei" эса аллақачон "8K" телевизорини ишлаб чиқди. Унда тасвир сифати шу даражада аниқки, гўё экранда кўраётганингиз ҳақиқийдек туюлади. Ёки "5G" тезлиги ёрдамида 1 гигабайт ҳажмдаги маълумот ёки фильмни атиги бир сонияда кўчириб олиш мумкинлигига нима дейсиз? Энди булар ҳаётда мавжуд янгиликлар...

Ўзбекистонда "Huawei" компанияси билан биргаликда телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш, мобил алоқа операторлари ва провайдерлари тармоқларини ривожлантириш, оптик толали алоқа линиялари ёрдамида юқори тезликда маълумотлар узатиш технологияларини ишга тушириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилган ва оширилмоқда. Мисол учун, 2018 йилда Сурхондарёдаги кичик бир қишлоққа энг замонавий базавий станция ўрнатилиб, 1,5 минг аҳоли сифатли алоқа билан таъминланди. Бундай станция МДҲда айнан биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўрнатилгани ҳам диққатга сазовордир.

"Huawei" мутахассислари Ўзбекистон бозори улар учун муҳим эканини, бизда катта салоҳият мавжудлигини таъкидлашди. Айнан ушбу компания юртимизда "5G" технологиясини жорий этишни режалаштирган.

## Катта мамлакатнинг кичик кўриниши

Хитой дунё харитасида жуда катта ҳудудни эгаллаган. Хўш, унинг диққатга сазовор жойларини бир кунда кўриб чиқиш мумкинми? Албатта, мумкин. Ҳайрон бўлманг. Бунинг учун Шэньчжэндаги "Хитой миллий маданияти қишлоғи" деб номланган боғга ташриф буюриш кифоя.

Боғ икки йўналишдаги маскан — Хитойнинг диққатга сазовор жойлари миниатюраси ва Хитой халқ маданияти қишлоғини бирлаштирган. Мажмуага келувчилар мамлакат тарихи, маданияти, санъати ва қадимий меъморчилиги, шунингдек, бу ерда яшовчи турли миллатлар урф-одатлари билан кўргазма воситалари, турли макетлар, саҳна кўринишлари, рақслар, концерт дастурлари орқали танишишади.

Томоша майдони жуда катталиги боис ташриф буюрувчиларга электробуслар ва электроциклларда айланиш тавсия қилинади. Бизнинг делегация ҳам шундай электробуслардан биридан фойдаланди.

Маълумотларга кўра, боғда Хитойдаги 82 та турли хил энг машҳур жой экспонатлари мавжуд. Уларни шартли равишда уч тоифага бўлиш мумкин: 1) тарихий бинолар; 2) табиий ландшафтлар; 3) миллий шаклдаги уйлар.

Тарихий бинолар орасида Пекиндаги "Тақиқланган шаҳар", "Ихэюань" ёзги саройи, "Юйхуаюань" ва "Юаньминъюань" боғи, Буюк Хитой девори, мусулмонлар масжиди, Лэшань буддаси, Марко Поло кўприги, Сун Ятсен мақбараси ва яна бошқа кўплаб мажмуаларнинг кичрайтирилган макетлари бор. Табиий ландшафтлар орасида "Тайшань" тоғи, "Хуангошу" шаршараси, "Янцзи" дарёсининг учта дараси эътиборни тортиши, шубҳасиз. Ўтовлар, Хакка аҳолиси тураржойлари эса миллий шаклдаги уйлар тоифасига киради.

Бу ерда Хитойдаги ҳар бир этник гуруҳ ва улар ҳаётининг ўзига хосликларини худди ўша ҳудудга боргандек ҳис қилиб, яқиндан танишасиз. Актёрлар жамоаси турли хил миллий либосларда бўлиб, яшаш тарзини саҳналаштирилган тарзда намойиш қилиб туришади. Уларни кузатиб, анъаналар, тутумлар тўғрисида яққол тасаввур ҳосил қиласиз.

Шунингдек, боғдаги икки минг кишига мўлжалланган санъат саройида ҳар куни Хитой миллий маданиятини тараннум этувчи бадиий дастур тақдим қилинади.

Умуман, "Хитой миллий маданияти қишлоғи"ни катта мамлакатнинг кичик бир кўриниши, дея таърифлаш мумкин. Бу ерни сайр қилган одам ўзини гўё бутун Хитойни кезиб чиққандек ҳис қилади, десак, муболаға бўлмайди.

Қисқаси, бизнинг Чин юртига бир ҳафталик ижодий сафаримиз ана шундай таассуротларга бой тарзда кечди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Тошкент — Пекин — Шэньчжэнь — Тошкент

# «ФАСТ-ФУД» ЭПИДЕМИЯСИ»

## Бунга бефарқ қараб бўлмайди.



*Тўғри овқатланиш — узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш гарови. Бироқ бугун одамларнинг овқатланиш рационида кўплаб ўзгаришлар юз бермоқда. Ишда жуда банд бўлгани боис аксарият кишилар вақтни тежаш мақсадида тез тайёрланадиган таомларни истеъмол қилишни афзал кўряпти. Айниқса, ёшлар мазали, эътиборни жалб қилувчи ўрамлардаги “фаст-фуд” маҳсулотлари “асири”га айланиб қолган. Гўё бу ҳам замонавийликнинг бир белгиси деб билишади ва шунга интилишади. Ушбу таомлар овқатланиш учун вақтимизни тежайди, чўнтагимизга фойда, аммо соғлиғимизга-чи? Бу саволга жавоб беришдан аввал улар ҳақида баъзи маълумотларни билиб олишимиз мақсадга мувофиқ.*

**Мулоҳаза**

### Кўлқоп ўрнига нон

“Фаст-фуд” инглизча сўз бўлиб, “тез тайёр бўладиган овқат” деганидир. Хот-дог, гамбургер, лаваш, чизбургер, нон-кабоб, қовурилган картошка ана шундай таомлар сирасига киради.

Тез тайёр бўладиган таомларнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида манбаларда турли маълумотлар учрайди. Хусусан, хот-догни АҚШнинг Луизиана штатидан бўлган тадбиркор ўйлаб топган. У иссиқ сосискаларни сота туриб, мижозларнинг тановул пайтида бармоқларини куйдириб олмасликлари учун уларга кўлқоп тарқатишни йўлга қўяди. Бироқ кўлқоп хариди қўшимча харажатни талаб қилган. Қолаверса, аксарият мижозлар сосискани еб бўлгач, кўлқопни қайтариб беришни унутиб қўйишган. Кўрилган зарарни ҳисоб-китоб қилган тадбиркор сосискаларни нон ичига солиб сотган маъқул, деган хулосага келади. Бугун биз истеъмол қиладиган “фаст-фуд”лардан бири — хот-дог шу тариқа пайдо бўлган.

### Ортиқча вазн — ортиқча муаммо

Маълумотларга қараганда, дунё бўйича сўнгги 40 йил ичида ортиқча вазндан азият чекаётган одамлар сони олти баравар ошган. Бугун жаҳон миқёсида 18 ёшдан юқори 1,9 миллиард одам ортиқча вазнга эга. Бунинг асосий сабабларидан бири “фаст-фуд”лар истеъмоли билан боғлиқ.

Масалан, АҚШ ва Мексика ортиқча вазн билан боғлиқ муаммоларга энг кўп тўқнаш келаётган мамлакатлар саналади. Тадқиқотлар мазкур давлатларда ушбу муаммога аҳолининг таом истеъмоли ҳамда жисмоний меҳнат ўртасидаги номутаносиблик сабаб бўлаётганидан далолат бермоқда. Ушбу мамлакатларда кўпчилик кун давомида калорияси юқори озиқ-овқат маҳсулотларини, хусусан, “фаст-фуд”лар ейди. Боз устига, улар бундай таомларга кўпинча ўтирган жойларидан, уйда ёки офисдан туриб буюртма беришади. Истеъмол қилинган калория ҳаракатсизлик натижасида сарф этилмай, ёғ тўқимаси ҳолида организмда йиғилиб бораверади. Оқибатда, одам меъёрдан ортиқ семириб кетиши кузатилади.

Ортиқча вазн ортиқча муаммодир. Унинг натижасида жисмоний фаоллик пасая бошлайди, озгина ҳаракатланганда ҳам ҳансираш, мушакларда оғриқ пайдо бўлади. Шу билан бирга, семизлик нафақат ташқи кўринишимизни хунуклаштиради, балки тўлақонли меҳнат қилишимиз ва дам олишимизга имкон бермайди. Ортиқча вазнли инсонларнинг кўпчилиги ҳаётда кучли ҳаяжон ҳолатларига тушишининг боиси шунда. Демак, ўзимизга ўзимиз муаммо яратмаслигимиз учун тез тайёр бўладиган егуликлардан сақланиб юришимиз керак.

> «Фаст-фуд»лар болалар ва ўсмирлар учун ҳам зарарлидир. Бундай юқори калорияли ва кам витаминли егуликлар ёш организмларнинг эндокрин ва иммун тизимига, кейинчалик жисмоний ва ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

### Чўғда куйган гўшт

— Аксарият тамаддихоналарда “фаст-фуд”лар учун, асосан, арзон, етарли термик ишлов берилмаган ва сифатсиз гўштдан фойдаланилади, — дейди гастроэнтеролог Мавлуда Қодирова. — Бундай тамаддихоналарнинг кўпчилиги санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Маълумки, гамбургерлар учун фойдаланиладиган гўштлар махсус чўғ атрофида айлантириб пиширилади. Ушбу жараёнда уларнинг юза қисмигина етарли даражада пишиши мумкин. Чала пиширилган гўштни истеъмол қилиш эса ичакларда паразитлик қиладиган лямблиянинг пайдо бўлишига олиб келиши ўрганишлар давомида аниқланган. Қолаверса, тез тайёрланадиган егуликлар ичига солинадиган тузланган бодринг, кетчуп, аччиқ икра, майонез ва бошқа қўшилмалар аралашмаси организмнинг овқат ҳазм қилиш тизимига салбий таъсир этади. Бу эса моддалар алмашинувининг бузилишига, ошқозон ҳамда ичакнинг сурункали яллиғланишига ва бошқа хавфли касалликларга сабаб бўлиши мумкин.

### Калорияси, тузи кўп, витамини эса кам

— 18 — 50 ёшли одамлар бир кунда 100 грамм оқсил, 100 грамм ёғ, 400 грамм углевод истеъмол қилиши керак, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Гули Шайхова. — Бу бир кунлик рацион. Бироқ бугун кўпчилик инсонлар иш кўплиги ва вақтнинг йўқлигини рўкач қилиб, соғлом овқатланиш қоидаларига унчалик риоя қилишмаяпти. Кўпчилик ишда ёки уйдан туриб тез тайёрланадиган — “фаст-фуд”ларга буюртма бериб қўяқолади. Бундай таомлар таркибида зарарли транс-ёғлар, тузлар жуда кўп. Улар организмда холестерин миқдорини оширади. Холестерин ва транс-ёғлар жигар фаолиятига, моддалар алмашинувига салбий таъсир кўрсатади. Кўпчилик бундай маҳсулотларни газланган яхна ичимликлар билан бирга истеъмол қилишга одатланган. Бу мумкин эмас. Бу биринчидан, аллергия беради, иккинчидан, овқатнинг ошқозонда тўлиқ ўзлаштирилишига салбий таъсир кўрсатади.

Айниқса, ҳомиладор аёллар тез тайёрланадиган таомлардан эҳтиёт бўлиши керак. Шифокорлар транс-ёғлар она сути сифатига салбий таъсир кўрсатади, бу эса бола иммунитетининг пасайишига олиб келади, деб ҳисоблайди.

Маълумки, меъёрида истеъмол қилинган туз организмнинг нормал фаолият кўрсатишида муҳим омилдир. Туз, асосан, икки элемент — натрий ва хлордан иборат. Натрий организмда сув миқдорини меъёрда ушлаб туриш, қолаверса, асаб импульслари ва мускуллар фаолиятининг бир маромда ишлаши учун зарур. Ҳар куни бир миллиграмм натрий, бошқача айтганда, чой қошиғининг чорак қисми миқдорида туз истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Кун давомида тузнинг бундан ортиқ миқдори организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Доимий йиғилиб борадиган ортиқча тузни буйраклар парчалай олмайди. Бу эса ичакларда сувнинг ушланиб қолишига, артериал босимнинг ошишига сабаб бўлади. Шунинг учун тиббиёт ходимлари юракнинг ишемик касаллиги, гипертония, буйрагида муаммоси бор инсонлар ҳамда ҳомиладор аёлларга туз истеъмолида меъёрга қатъий риоя қилишни тавсия этади. Иккита гамбургер ейиш орқали эса кунлик меъёрдан кўп туз истеъмол қилиш мумкин.

Хулоса шуки, ўз вақтида ва тўғри овқатланиш нафақат эҳтиёжингизни қондиради, балки саломатлигингизни ҳам муҳофаза қилади. Нотўғри овқатланиш эса аксинча, саломатликка жиддий зарар етказиши, турли хасталикларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, “фаст-фуд”лар истеъмолида ҳам меъёрга риоя қилсак, саломатлигимизга таъсир этувчи турли нохуш ҳолатлардан ўзимизни асраган бўламиз.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ СУВ ИНШООТЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

*Қумқўрғон туманидаги Нефтчилар маҳалласида икки мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улар узоқ йиллардан буён тоза ичимлик суви билан таъминланмаган эди.*

**Қулайлик**

Бу муаммога барҳам бериш учун 600 миллион сўм маблағ эвазига янги сув иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун бир ярим километрдан ортиқ ичимлик суви тармоғи тортилди. Натижада 349 хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Узун туманидаги Дўстлик маҳалласи аҳолисининг ҳам тоза ичимлик суви билан боғлиқ орзулари рўёбга чиқди. Аҳоли мурожаатлари инобатга олиниб, маҳалла ҳудудида 780 миллион сўм маблағ эвазига сув иншооти қурилиши натижасида 180 хонадонда ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Худди шунингдек, Сариосиё туманидаги Меҳр-шафқат ва Лутфикор маҳаллалари аҳолиси ҳам қарийб 40 йилдирки, ичимлик сувини узоқ масофадан ташиб келишарди. Бу ерда янги сув иншооти қурилиши туфайли ҳар икки маҳалладаги 300 дан ортиқ хонадонларга обиҳаёт кириб келди.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ООО “GLOBAL LEASING” РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ:

АРМАТУРА

СТАЛЬНАЯ ГОРЯЧЕКАТАНАЯ

ДИАМЕТР 12 мм., 14 мм. ПРОИЗВОДСТВО — КАЗАХСТАН

УГОЛОК

ДЛИНА 6 м. и 9 м. ТОЛЩИНА 3 мм. РАЗМЕР 40 х 40

90 398-00-27
71 236-39-63

693J



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ сизга қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 43 000 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 000 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 48 000 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3003, 3005, 8017, 9003 0,45 мм. — 55 000 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 60 000 сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тел.: (+998) 99 535-00-65, (+998) 95 197-00-93, (+998) 99 871-88-99

683R/295



**Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 августдаги «Меҳмонхона соҳасига қўшимча инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 661-сонли қарорига мувофиқ меҳмонхона комплексини сотиш бўйича**

**ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Меҳмонхона комплекси номи** — «Шаҳрисабз юлдузи» ДУК.

**Жойлашган жойи** — Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 2-уй.

**Давлат улуши** — 100 фоиз.

**Савдоларни ўтказиш тартиби** — танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли қарорининг 4-иловаси билан тасдиқланган Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига асосан ўтказилади.

**Савдони ўтказиш жойи** — Давлат активларини бошқариш агентлиги биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 6-уй.

**Бошланғич баҳоси** — 13 000,0 (млн. сўм).

**Тўловни амалга ошириш муддати** — 3 йил.

**Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори** — қиймати 5 0000,0 (млн. сўм), киритиш муддати — 2 йил, ишчи ўрни — 15 та.

«Шаҳрисабз юлдузи» ДУК устав капиталидаги 100 фоиз давлат улуши қуйидаги шартлар асосида сотилади:

«Шаҳрисабз юлдузи» ДУК устав капиталидаги 100 фоиз давлат улушини сотиб олиш бўйича Агентликка қабул қилинган инвесторларнинг буюртмалари (аризалари) белгиланган тартибда Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгор «Шаҳрисабз юлдузи» ДУК устав капиталидаги 100 фоиз давлат улуши дастлабки бошланғич баҳосининг камида 15 фоизи миқдоридаги маблағни пул ўтказиш йўли билан қуйидаги ҳисоб рақамга закалат сифатида тўлаши шарт:

Чет эл валютасида пул ўтказиш учун валюта ҳисоб рақами: 21508840000600289002, корреспондент банк: CITIBANK N.A., New York, SWIFT: CITIUS 33, USA, Acc.: 36115651, бенефициар банк: Central Bank of Uzbekistan, SWIFT: CBUZUZ22;

Миллий валютада пул ўтказиш учун банк коди: 00014, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси, қабул қилувчининг ҳисоб рақами: 23402000300100001010, тўлов топшириғининг «тўлов реквизитлари» қисмида кўрсатилган реквизитлар бўйича тўловни амалга ошираётганда, шунингдек, пул ўтказмаси учун асос баён этилган ҳолда, қуйидагилар кўрсатилади: «Давлат активларини бошқариш агентлиги учун ҳисоб рақами 20041086026266000000000001, СТИР: 201 122 696, даромад коди бўйича: 3 512 113.

«Шаҳрисабз юлдузи» ДУК устав капиталидаги давлат улушини сотиб олиш бўйича очиқ танлов савдоларида иштирок этувчи талабгор ёки унинг ваколатли вакили сотувчи — Давлат активларини бошқариш агентлигига ариза бериши шарт.

Ариза икки нусхада қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда топширилади:

— нодавлат юридик шахслар учун — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

— очиқ танлов савдолари тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат қўйилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— икки нусхада ёпиқ конвертларга жойланган, танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагилар мавжуд бўлган танлов таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— инвестициявий мажбуриятларнинг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакллари, муддати ва шартлари;

— талабгорнинг молиявий жиҳатдан қобилиятлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва (ёки) тегишли соҳада илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳалари (мавжуд бўлса).

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варағи талабгорнинг муҳри ва/ёки имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Конвертларни очишнинг белгиланган санасигача талабгор ёзма шаклда ўзининг аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бунда талабнома берувчидан олинган закалат суммаси хабарнома рўйхатдан ўтган санадан бошлаб беш банк кунидан кечиктирмай қайтарилиши керак.

Очиқ танлов савдоларида қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилиш очиқ танлов савдолари тўғрисидаги хабарнома эълон қилинган кундан бошланади ва конвертларни очишнинг эълонда кўрсатилган санасидан уч соат олдин тугайди. Очиқ танлов савдолари тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган қабул қилиш муддати тугагандан кейин тушган буюртманомалар қабул қилинмайди. Почта орқали юборилган ҳужжатларнинг тушган санаси сотувчининг рўйхатдан ўтказиши бўйича белгиланади.

Сотувчи давлат мулкини сотиш бўйича очиқ танлов савдоларини ўтказиш юзасидан Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарори маъқуллангандан кейин 20 (йигирма ) кундан кечикмай савдо ғолиби билан олди-сотди шартномасини тузади.

Талабгор сотувчидан «Шаҳрисабз юлдузи» ДУК устав капиталидаги давлат улушини сотиб олишда иштирок этиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни сўраш ва олиш ҳуқуқига эга, ўзига хос хусусиятига кўра, иш доирасида фойдаланиладиган ёки тижорат сири бўлган маълумотлар бундан мустасно.

Танлов таклифлари солинган конвертнинг биринчи нусхалари очилиши 2019 йил 3 октябрь куни соат 15.00 да Давлат активларини бошқариш агентлиги биноси (106-хона)да бўлиб ўтади.

Агар очиқ танлов савдолари тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган конвертларни очиш санасига қадар бирорта буюртманома қабул қилинмаган бўлса ёки фақат битта буюртманома келиб тушган бўлса, савдо бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.

Агар очиқ танлов савдолари бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий очиқ танлов савдолари 2 (икки) ой давомида ҳар 10 иш кунда бир марта (17 октябрь, 31 октябрь, 14 ноябрь, 28 ноябрь) ўтказилади.

Очиқ танлов савдолари натижалари йиғилишда иштирок этган Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан имзоланган ва комиссия раиси тасдиқлаган баённома билан расмийлаштирилади.

Агар харидор олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир ой ичида сотиб олиш тўловларини тўлиқ амалга оширса, сотиб олиш тўловлари суммасидан олди-сотди шартномаси тузилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик қайта молиялаштириш ставкасига тенг миқдорда чегирма берилади.

***Сизни очиқ танлов савдоларига таклиф этамиз!***

Сотувчи: Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 6-уй.

Тел: 71-259-22-02, 71-259-20-70, 71-259-22-56, 71-259-20-91.

Веб-сайт: www.davaktiv.uz, электрон почта: info@davaktiv.uz, privatization@davakativ.uz

***Ҳурматли тадбиркорлар!***

Савдо пайтида сизнинг ҳуқуқларингиз бузилган бўлса Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилишингизни сўраймиз. «Ишонч телефони»: 71-259-21-37, 1082.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 721 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6